



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Бировларга ҳар қанча ҳавас ва ҳасад қилманг, агар улардаги иштиёқ ва қаноат Сизда бўлмаса, ўзингиздан ортиқ бўлолмайсиз.

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 30-mart, seshanba, 37 (23.473)-son

«Самарқанднинг бир кун»

Республика театр санъати фидойилари тақдирланди

Самарқанд шаҳридаги “Нурафшон” санъат саройида 27 март – Халқаро театр кун муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда юртимиздаги давлат театрлари раҳбар ва ходимлари, элимиз ардоғидаги санъаткорлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон театр санъати ходимларига йўллаган табригини Бош вазир ўринбосари Б.Мусаев ўқиб эшиттирди.

Тадбирда Маданият вазири О.Назарбеков, вилоят ҳоқими Э.Турдимов ва бошқалар сўзга чиқиб, театр санъати фидойиларини байрам билан табриклади.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта Президентимиз томонидан театр ходимларига табрик йўлланди, – деди О.Назарбеков. – Бу театр санъати ходимларига давлатимизнинг, Юртбошимизнинг алоҳида меҳри, ҳурмат ва эътибори, ишончи тўғрисида.

Чунки театрларимизда ҳақиқий фидойилар фаолият юритади ва уларнинг заҳматли меҳнати эътирофга муносиб. Бу йил Халқаро театр кун муносабати билан “Театр то-

мошалари ҳафталиги” ўтказилди ва республикамизнинг барча театрларида энг сара спектакллар томошабинларга бепул намоиш қилинди. Ҳафталик доирасида театр кўргазмалари, тажрибали режиссёр, драматург ҳамда актёрлар билан ижодий учрашувлар ташкил этилди.

Тантанали маросимда юртимиз театрларининг фаол, фидойи ходимларидан бир гуруҳига Маданият вазириликнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Вилоят ҳоқими Э.Турдимов Маданият вазириликнинг “Маданият ва санъат фидокори” кўкрак нишони билан тақдирланди.

57 нафар фаол – “Маҳалла ифтихори”

Вилоят ҳоқимлигида “Маҳалларда миллий қадриятларни мустақамлаш ҳафталиги” доирасида тадбир ташкил этилди.



Вилоят ҳоқими Э.Турдимов вилоятимиздаги маҳаллалар фаолларини илк бор 22 март кунини нишонланган маҳалла тизими ходимлари кунини билан табриклаб, жамият ҳаётида маҳалланинг ўрни ва ролини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар самараси ҳақида сўз юритди.

Тадбирда бир гуруҳ фаол маҳалла ходимлари вилоят ҳоқимлигининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, 57 кишига “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони топширилди.

Сирдарёлик журналистлар Булунғурда

Сирдарё вилоятидаги газеталар муҳаррирлари, телевидение ходимлари ва интернет нашрлар вакиллари Булунғур туманига ижодий сафари уюштирилди.



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Сирдарё ва Самарқанд вилояти бўлимлари ҳамда Булунғур тумани ҳоқимлиги томонидан ташкил этилган тадбир қатнашчилари дастлаб тумандаги “Самарқанд гарден пласт”, “Мороқанд сифат” корхоналарида бўлиб, уларнинг иш фаолияти билан танишди.

Шундан сўнг “Булунғур ҳаёти” газетаси таҳририятида ижодий мулоқот ўтказилди. Сирдарёлик журналистлар таҳририятнинг янги биносида булунғурлик ҳамкасблари иш фаолиятини кузатиш, бу ерда яратилган шарт-шароитларга гувоҳ бўлди.

Учрашувда туман ҳоқими Б.Баҳромов ҳам иштирок этиб, ҳудудда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва келгусидаги режалар ҳақида маълумот берди.

– Бундай ижодий сафарлар бизни

илҳомлантиради, ҳамкасбларимиз билан ўзаро тажриба алмашишимиз учун қўлай имконият яратади, – дейди “Янги Сирдарё” газетаси бўлим бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Холида Пардабоева.

– Булунғурга сафаримиз таассуротларга бой бўлди. Айниқса, “Булунғур ҳаёти” таҳририятига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка ҳавасимиз келди.

Заковатли жамоага 100 миллион сўм берилди

Самарқандда ўтказилган “Заковат” интеллектуал ўйини танловларида 277 жамоа орасидан фойлибликни қўлга киритган ИИБ Самарқанд академик лицейи жамоасига 100 миллион сўм пул мукофоти топширилди.



Иккинчи ва учинчи ўринларни Бобонор Шуқуров ва “Устозлар” жамоалари эгаллади. Бу жамоалар ҳам пул мукофотлари билан тақдирланди.



Самарқандда қанча жойда СЕЛ КЕЛДИ?

Ўтган шанба ва якшанба кунлари кузатилган кучли ёгингарчилик бугун кўпчиликда шундай савол туғдираётгани бор гап. Ўз навбатида, табиий офат қандай зарарларга сабаб бўлгани ҳам жамоатчиликни қизиқтириши, шубҳасиз.

ХАВОДАН ХАБАРДОР ЭДИК

– Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати 25 март кунини жорий йилнинг 26-30 март кунлари кучли ёгингарчилик бўлиши ҳақида огоҳлантиргани, – дейди вилоят факулда вази- ятлар бошқармаси бошлиғи Ўлмас Мейлиев. – Шу боис, вилоятимизда об-ҳавонинг кескин ўзгариши билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилди.

Жумладан, фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат ҳудудий тизими (ФВДТ) куч ва воситаларининг юқори тайёргарлиги таъминланди. Табиий воситалар ва дори-дармонлар захираси яна бир бор кўздан кечирилиб, табиий муассасаларида кўшимча жойлар тайёрланди, тез табиий ёрдам бригадалари, йиғма механизациялашган отрядлар шай ҳолатга келтирилди.

Вилоят факулдада вазиятлар бошқармаси тезкор навбатчилик гуруҳининг 233-11-24, 231-07-71, 1050 телефон рақамлари кеча-кундуз ишлаб турибди.

ЭНГ КЎП ТАЛАФӨТ ПАХТАЧИДА

Маълумотларга кўра, охириги икки кунда Каспий денгизи орқали

Кавказ устида шаклланган совуқ ва нам ҳаво массалари мамлакатимиз ҳудудига кириб келди. Шу боис аксарият ҳудудларда кучли ёгингарчилик ва сув тошқинлари кузатилди.

– Ижтимоий тармоқларда “фалон жойда сел келяпти”, деган мазмунда хабарлар тарқалди, – дейди Ў.Мейлиев. – Айримлар ҳатто шов-шувга қизиқиб, ўтган йили ёки олдинроқ рўй берган ҳодисалар акс этган лавҳаларни ҳам тарқатди. Аслида бу бор-йўғи ёгингарчилик туфайли оқова сувларининг ўзан, сой ёки сув йўллари- га сўғмай тошиш ҳолати эди.

Мисол учун, бугун Самарқанд шаҳрида ташкил қилинган дренаж тизими туфайли тошқинлар билан боғлиқ муаммо деярли ҳал этилди. Аммо Рудакий, Нарпай ва Бедил кўчалари кесилмаси, Курчатов кў- касидаги кичик муаммолар сабаб яна тошқинлар рўй берди.

Бундан ташқари, кучли ёгингарчилик туфайли Оқдарё, Иштихон, Нарпай, Пахтачи, Каттакўрғон туманлари ва Каттакўрғон шаҳри- да ёмғир сувлари тошиб чиққаниги ва баъзи ҳолларда хонадонлар- га кирганлиги кузатилди.

Қайд этиш лозимки, энг катта талафот Пахтачи туманида рўй берди. Жумладан, 28 март кунини соат 14:00 ва 16:00 оралиғида тумандаги 4К-560 “Болтали-Болга-

ли-Зиёвуддин” автомобиль йўли- нинг 14-километридаги Зиядин сел ташламасидан сув сўғими меъ- ёридан ортиқ келганлиги сабабли кўприк таги ювилиб, чўкиш ҳолати бўлган. Шу боис, 1970 йилда қурилган кўприкда автомобиллар ҳаракати вақтинча тўхтатилиб, айланма йўл ташкил қилинган.

ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ НИМА ҚИЛДИ?

– Биргина 27 март кунини 22 та мурожаатлар келиб тушди, – дейди Ў.Мейлиев. – Бу қақуриларда 18 та кўча ва 20 та хонадонга ёмғир сув- лари ариқларга сўғмасдан, тошиб, турли нуқулайликлар туғдираётгани тўғрисида хабар берилган.

Юзага келган ҳолатларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида вилоят ФВБ ва ҳудудий бўлимлари ФВДТ хизматларидан техника ва ишчи-ҳодимлар жалб этилди.

Ёгингарчилик туфайли сув йўлларида кузатилган тошқинлар оқибатида биноларнинг қулаши, фуқароларнинг тан жароҳати оли- ши қайд этилмаган.

МУАММО НИМАДА?

Одатда зарарнинг ўрнини қоплагандан кўра, унинг олди- ни олган афзал. Гарчи, бу оддий ҳақиқатни билсак-да, аксарият ҳолларда на жамоатчилик ва на давлат ташкилотлари унга амал қилади.

– Кузатилган сув тошқинлари турли нуқулайликларни келтириб чиқаргани билан кўрилган тала- фот миқдори унча катта эмасли-

«Кун мавзуси»

ги тахмин қилинмоқда, – дейди вилоят факулдада вазиятлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Умид Ахроров. – Аммо аксинча бўлиши ҳам мумкин эдику?! Асли- да тошқинлар ёки нуқулайликлар ўз-ўзидан рўй бергани йўқ.

Мисол учун, Оқдарё тумани Лойиш шаҳарчасида кузатилган ҳолатни олайлик. Бу ерда муаммо йўл четида дренаж тизимлари та- лабга жавоб бермаслигидан келиб чиққан. Ёки, Каттакўрғон тумани- да “Тико” русумли автомобилнинг сувда оқибатини олайлик. Соини кесиб ўтган йўлда кучли ёгингар- чиликни билан туриб автомобиль бошқариб борган ҳайдовчининг ўзи ҳам оқиб кетиши мумкинлиги- ни наҳотки, тушунмаган?!

Нарпай тумани марказида оқова сув чиқиб кетадиган йўл йўқлигини бир неча марта бил- дирганмиш. Иштихон туманидаги ҳолат эса ёгингарчилик мавсумида тўпланган сув йўллари фуқаролар томонидан беркитиб юборилгани- нинг оқибати.

Бу билан фавқулодда вазият- лар бошқармаси ҳеч бир ҳолатга алоқадор эмас, деган фикрдан йи- роқман. Бундай вазиятда биздан ҳам қатъиятчи бўлиш талаб этила- ди. Аммо бўлиб ўтган воқелик ҳар- ким ва ҳар бир тузилма ўз вазифа ҳамда мажбуриятларини танқид- дий таҳлил қилиб кўришимизни, келгуси фаолиятимизни шу асосда ташкил этишни тақозо қилади. Не- гаки, ёгингарчилик мавсуми ҳали олдинда.

Ё.МАРҚАЕВ тайёрлади.

Қарийб 108 минг йигит-қиз “Ёшлар дафтари”да

Бу ҳақда Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Ҳусан Тўхтаев иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида айтилди.

Вилоят Матбуот уйда бўлиб ўтган тадбир- да бошқарма томонидан “Ёшларни қўллаб-қув- ватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида йилнинг ўтган даврида амалга оши- рилган ишлар ва келгусида режалаштирилган вазифалар хусусида маълумот берилди.

Таъкидланганидек, вилоятдаги мавжуд 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 712 минг нафарга яқин йигит-қизлар орасида хатлов ўтказилиб, 654 минг 562 нафари ҳақида анкета сўровно- малари тўлдирилди. Улар орасидан ишсизлик ва бошқа муаммолар қийнаб келаётган 107 минг 976 нафар йигит-қиз “Ёшлар дафтари” рўйхатида киритилди. Ҳозирда уларнинг 17 минг 268 нафарининг тақлиф ва муаммоларига ечим топилган. 66 минг 55 нафар ёш эса daftar.mehnat.uz электрон платформаси рўйхатида киритилди.

– “Ёшлар дафтари”ни шакллантиришда ҳар бир туман ва шаҳарда махсус ишчи гуруҳлар тузилди, – дейди Ҳ.Тўхтаев. – Ҳеч бир ёш эътибордан четда қолиб кетмаслиги, ҳудуд-



лар бўйича муаммоси мавжуд ёшлар рўйхати киритилиши ва уларнинг масалаларига ечим топиш қатъий назоратга олинди. Бу бора- да сўзлашқани йўл қўйган Ёшлар ишлари агентлиги Пахтачи ва Тойлоқ тумани бўли- лари бошлиқларига интизомий жазо чоралари қўлланилди.


Вилоятнинг 64 ҳудудида ўтказилган “Сек- тор раҳбари ва ёшлар учрашуви”да келиб туш- ган мурожаатларнинг 10 минг 82 таси ижобий ҳал этилди.

Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқарма-

си ҳамда “Ёшлар - келажагимиз” жамғармаси вилоят филиали томонидан ёшларнинг тадбир- корлик фаолиятини бошлаши ва истиқболли режалар асосида шахсий бизнесни ташкил этишига кўмаклашиш учун ўқув машғулотлари ташкил этилди. Шу йилнинг 3 март кунини илк бор курсни тамомлаган 20 нафар ёшга махсус сертификатлар топширилди. Уларга “Микро- кредитбанк” томонидан 3 йил мuddатга 33 миллион сўмгача бўлган 14 фоизлик имтиёзли кредитлар берилди.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

САЙЁҲЛИК – АСОСИЙ ДРАЙВЕР



яти мавжуд. Хусусан, Индонезия, Туркия, Покистон, Малайзия каби давлатлардан Имом Бухорий меросига қизиқувчи 100 мингдан ортиқ, Ҳиндистон, Туркия, Покистон, Бангладеш каби давлатлардан Абу Мансур Мотуридий меросига қизиқувчи 26 мингдан ортиқ, Индонезия, Малайзия, Туркия, Татаристон ва Чеченистон каби давлатлардан Хўжа Аҳрор Валий ва Маҳдуми Аъзам издошлари бўлган 43 минг, Исроил, АҚШ, Франция ва Россиядан Хўжа Дониёр ҳамда Яхудиёр дини меросига талабдор 40 мингдан ортиқ зиёратчини жалб қилиш мумкин.

Албатта, бунинг учун қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Индонезиянинг йирик туризм ассоциацияларидан ASITA, SAPUHI билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмоқда. Бунда ҳар ҳафтада икки марта "Жакарта-Самарқанд-Жакарта" чартер авиарейсини ташкил этиш орқали 300 нафардан 500 нафаргача сайёҳларни олиб келиш, бу ерда уларни 2 кун давомида зиёрат объектларига олиб боришни ташкил этиш бўйича келишувлар имзоланган.

Ҳиндистондаги Ўзбекистон элчихонаси билан ҳамкорликда зиёратчиларни жалб этиш мақсадида ҳинд туристик ташкилотлари билан

онлайн мулоқотлар ўтказилляпти. Исроил давлатидаги элчи Ф.Маҳмудова билан Исроилдан Бухоро яхудиёларини Самарқандга жалб этиш мақсадида ҳудуддаги яхудий объектлар тўғрисида маълумотларни ОАВ орқали кенг таништириш чоралари белгилаб олинди. Бу орқали 7 мингга яқин яхудий зиёратчиларнинг кўҳна кентга ташифини амалга ошириш кўзда тутилган.

Эрон Ислон Республикасининг "Iran Aseman Airlines" компанияси вакиллари билан учрашувда Наврўз байрами арафасида эронлик зиёратчиларни мамлакатимизга олиб келиш, Рамазон ойидан бошлаб доимий авиақатновларни ташкил этиш режалаштирилган.

Покистон Ислон Республикасидан зиёрат туризми йўналишида Самарқандга келишни хоҳловчилар кўпайиб бораётганини инобатга олиб, вилотимиз ва покистонлик туроператорлар иштирокида ҳамкорлик музокаралари олиб борилмоқда.

2019 йилда вилоятга 3 миллион 120 минг (шундан 560 минг хорижий), 2020 йилда пандемия сабабли 633 минг (581 минг маҳаллий) сайёҳлар ташифи кузатилди.

Соҳанинг истиқболли, иқтисодийдаги ўрни ҳисобга олиниб, пандемияга қарамадан зарур ишлар тўхтаб қолишига йўл қўйилмади. Натижада, тадбиркорлик субъектлари томонидан 2020 йил ҳамда 2021 йил январь-февраль ойларида қиймати 306,6 миллиард сўмлик 74 та лойиҳа амалга оширилди. Бу орқали 763 та янги иш ўрни яратилди.

Вилотимизга саёҳатчилар асосан маданий мерос объектлари ва зиёратгоҳларга келади. Шу боис, уларнинг ҳолатини яхшилаш доимий эътибор марказимизда бўлмоқда. Хусусан, ўтган йилда 10 та зиёратгоҳ ва маданий мерос объектларида қиймати 4 миллиард 700 миллион сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, эркин сайёҳларнинг кўзлаган манзилларига қўлай ҳамда юқори сифатли хизматдан фойдаланиб, етиб боришларини таъминлаш мақсадида Самарқанд темирйўл вокзалида туризм бекати фаолиятини йўлга қўйилди.

Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий, Ислон Каримов кўчалари туризм кўчасига айлантирилди. Мирзо Улугбек, Давлатобод ва Озод Шарк кўчалари кесмиш ҳудудда "pub street" лойиҳаси амалга оширилди.

Сайёҳлар туризм манзилларига қўлай, хавфсиз ҳамда юқори сифатли сервис кўрсатилган ҳолда етиб боришларини таъминлаш, эркин сайёҳларга қўлайлик яратиш мақсадида Амир Темур мақбараси, Мирзо Улугбек расадхонасига туташ ҳудудларда навбатдаги туризм бекатлари ташкил этилади.

ХОРИЖЛИК ЗИЁРАТЧИЛАР КЎПАЯДИ

Таҳлилларга кўра, 2021 йилда пандемия билан боғлиқ вазият қайта мураккаблашмаган тақдирда вилоятга ташиф буркувчи хорижлик зиёратчилар сонини 210 мингга етказиш имкони

«Мулоҳаза, мунозара»

Маънавиятга таъриф беришнинг ҳожати йўқ. У шубҳасиз, ҳаётимизнинг, яшаш тарзимизнинг ўзаги бўлмоғи лозим. Ҳамма гап унинг «озуқаси»да, инсонга қачон, қай тариқа етказилишида. Бу фақат бугуннинг эмас, инсониятнинг асрлар давомидаги интилиш, истакларидан биридир. Табиийки, маънавиятли, дунёқарашли кенг инсоннинг яшаш тарзи-ю, фаолияти кўпчиликка ибрат бўлади.

«Бизга «Анна Каренина»ни ўқитишдан мақсадингиз нима?»

Ёҳуд «маънавият» бизни не қуйларга солди...

Аммо маънавият тушунчаси ҳақида гап кетганда баҳс-талоб жихатлар жуда кўп. Дейлик, доим ҳалол яшаш, меҳнат қилиб, чумолига ҳам озор бермай улгурзорлик қилган, кейин халолликка путур етказадиган ишга мажбур қилинган одам тўсатдан жиноятга қўл урса, бу одамни маънавиятсизга чиқарамизми? Ёки ҳаммамизнинг кўз ўнгидан китоб ўқигич, одамларни ҳалолликка ундаб, аммо ўзи таъма илнжидида юрган одамни маънавиятли, деб айтоланишимиз? Унинг мезонлари қанақа ўзи? Чегаралари борми?

Дарвоқе, чегара ҳақида. Биз ҳатто, тушунчаларнинг моҳиятидан кўра чегарасини излашга кўникиб қолгандаймиз. Шунинг учун бўлса керак, узоқ йиллар маънавият соҳасида фаолият юритиб келган ходимларнинг асосий иши чегара топилшдан иборат бўлиб қолди, десам муболага қилмаган бўламан. Қандай кийинчи кераклигидан тортиб, қандай гапириш, қандай ашаш, қанча маблағни қаерга сарфлаш каби масалалар ҳақида мақолалар ёзишди, шу ҳақда маъруза ўқишди, шундай мезонларни илк таълим мактабиданоқ сингдирига бошлашди.

Эслаб кўринг, бундан тўрт-беш йил олдин таълим муассасаси бўладими ёки бошқа ташкилотми, ўша ерда бирор салбий ҳолат содир бўлгудай бўлса «Маънавиятчи нима иш қилапти? Маънавиятчи қаёққа қараяпти?», деган саволлар пайдо бўлди. Ростдан ҳам маънавият отлик ташкилот бўлгандан сўнг у «жавобгар» бўлиши керак-да. Акс ҳолда унинг бошқа қандай юмуши бўлиши мумкин. Агар чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, жиноят борми, ўқувчиларнинг бир-бири билан уришиб қолиши, қизларнинг тирноғи-ю, ўғил болаларнинг сочи, тоза-ю нотозалик, интернет ўйинлари, хуллас, нима истеъмол қилиш - ҳаммаси маънавиятчи «боғлиқ» бўлиб қолди. Маънавиятчилар эса бу вазифани қай тариқа удалашни билмай, ҳаммадан намунали қиёфа излай бошлади. Чегаралар тортиди, намуналилар гуруҳини ташкил қилди. Фақат бу ҳаётда инсон отлик мавжудотнинг ҳар бири ўзига ҳослиги нутиб қўйилди. Унинг чегараси бунисига тўри келмаслиги «эсдан чиқди».

Бугун эҳтимол, маънавиятчилар олдиға қўйилаётган вазифалар

ўзгараётгандир. Ҳар ҳолда ушбу соҳа мутасаддиларининг қизлар бундай кийинини керак, йигитларнинг соч турмаги мана бундай бўлиши керак қабилидаги мақола-лари ҳозир кўзга ташланмай қолди ёки муҳаррирлар томонидан қайтаририлмоқда. Аммо унинг натижалари қаерлардадир акс-садо бераётгани ачинарли.

- Ўзбек гуруҳида ўқийдиган талабалар билан ишлашда баъзи кийинчиликларни сезаман, уларни баъзида қайта-қайта ўқитишга тўғри келади, - дейди олий таълим муассасасида ишлайдиган педагоглардан бири. - Жаҳон классик адаблари асарларининг баъзиларини ўқиш учун топшириқ берганимизда, талабалар орасида бу асар бизнинг маънавиятимизга тўғри келмайди, дея тортитаётган қатлам пайдо бўлаётгани мени педагог сифатида ташвишга қўяди. Дарс режасида Л.Толстойнинг «Анна Каренина» асари кириптилган. Ушбу асарни ўқиш келиш ҳақида вазифа берганимизда баъзи талабалар келиб, бизга нима учун маънавиятимизга, миллийлигимизга тўғри келмайдиган асарларни ўқитишни вазифа қилиб беряпсиз? Бунга ҳаққингиз йўқ, деган фикрларни эшитдим. Баъзида талабаларнинг турмуш ўртоқлари келиб «Рафиқамга нима учун бундай мазмундаги китоб ўқишни айтдингиз?» дея сўроққа тутаётганлар ҳам бор. Рафиқасининг қандай китоб ўқиётгани билан қизиққан эркакка раҳмат айтаман, албатта. Унга филология факультетида ўқийдиган рафиқаси тушунтиролмаган фикрларни етказишга уринаман, кези келганда. Талабаларга-ку, асосли жавоб беришим, уларнинг фикрини ўзгартиришим мумкин. Лекин мени қийнайдигани бошқа нарса. Қачондан бери жаҳон классик асарлари бизнинг маънавиятимизга тўғри келмай қолди? Ёшларда асарнинг қуруқ

сюжетигагина қараб хулоса чиқариш кўникмаси қачон шаклланди ўзи? Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчилар наҳотки, бу асарлар ҳақида етарли тушунчага эга бўлмаган? Энг ёмони, биз уларнинг онгига сингиб қолган бундай қарашни ўзгартиришга қурбимиз етармикан? Филология факультетида ўқиб, мумтоз асарларни маънавиятимизга зид, деган талабадан қандай мутахассис чиқарди? Мени ўйлантираётгани мана шу, аслида.

Устоз муаллиманинг фикрлари киши хаёлларини остин-устин қилиб ташлайди. Маънавиятимизга тўғри келмайди, дея ўз қарчимиз билан ўлчанадиган дунёқарашни бошқаларнинг онгига ҳам синдиришга уриндик. Айниқса, инжимдий тармоқларда у ёки бу мавзу кун янгилиги сифатида қабул қилиниб, улочки истаганча «ойиб қочади»ганлар қатлами пайдо бўлди. Масаланнинг туб моҳиятига етиб-етмай фикр билдириш ҳолатлари кўпайди.

Фақат оқ ва қора рангларда фикрлаш тенденцияси кучайди. Агар китоб ўқийдиган, биз маънавиятчи ҳисоблайдиган «жонқуярлар» шундай фикрлайверса, келажакда фақат қолипларимизга тўғри келмайдиган романларни ўқимизми, чегараларимизга мос келадиган чина томоша қилишимизга тўғри келиши ҳақида ўйламадик. Яна бир зиёли, талабаларга дарс бериш учун устознинг фикрларини эшитгач, юқоридаги талабаларнинг даъволари ҳолва экан, деб қўйдим.

- Ойнайи жаҳонда намойиш этиладиган «Қора ният» турк сериалини нега тақиқлаб қўйишди, қизиқ, - дейди у киши. - Ахир Чингиз Айтматовнинг «Жамила» асари сюжетини ҳам шу мазмундаги «Қора ният»ни кўрдик нима-ю, «Қора ният»ни кўрдик нима? Хуллас, ҳали бундай баҳслар узоқ давом этадимми, деган кўрқув, хавотир бор қўнғимда. «Маънавият» эса ўзанини кескин буриб олиши ёки умуман ишлармаслиги муҳимроқмикан, деган хаёллар қаршисида ҳам қоламан баъзида.

Гулрўх МҲМИНОВА.

P/S. Мақола ёзилгач, газетада чоп этилиши арафасида Президентимизнинг «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарорда «Тарғибот-ташвиқот ва тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва услубий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини жорий қилиш» каби соҳага оид қатор янги вазифалар белгиланган. Бу эса маънавиятнинг ўзинини тўғри йўналишга бури олишга имкон беради.

Ҳоқимият биноларида қуёш панеллари ўрнатилади

Республикамизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг тахминан 90 фоизи иссиқлик электр станциялари ҳиссасига тўғри келади. Қолган 10 фоизи қайта тикланувчи энергия манбалари, яъни гидроэлектростанцияларда ҳосил қилинади.

Қайта тикланувчи энергия манбаларини мамлакат иқтисодиётига кенг жорий этиш мақсадида 2019 йил 21 майда Ўзбекистон Республикасининг "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган.

Қонуннинг 14-моддасига кўра, қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар қайта тикланувчи энергия манбалари қўрилмаларини (номинал қуввати 0,1 МВт ва ундан ортиқ бўлган) ўрнатганлик учун мол-мулк солигини тўлашдан ҳамда ушбу қўрилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солигини тўлашдан улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан ўн йил муддатга озод этилиши белгилаб қўйилган.

Амалдаги энергетика ресурслари тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган яшаш учун мўлжалланган жойларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар эгаллигидаги мол-мулкка қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишдан ойдан эътиборан уч йил муддатга жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи солинмайди.

Амалдаги энергетика ресурслари тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган яшаш учун мўлжалланган жойларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланилган ойдан эътиборан уч йил муддатга ер солигидан озод этилади.

Шунингдек, 2019 йил 22 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорга биноан кейинги йилларда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, вилотимизнинг Нуробод ва Паст Дарғом туман-

лари дашт зонаси ҳудудидида қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотозелтр станцияси, Нуробод тумани Саҳоба ота массиви Тутли аҳоли яшаш пункти ҳудудидида Франциянинг "Total Eren SA" компанияси билан давлат шерикчилик асосида қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотозелтр станцияси қурилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда лойиҳа-смета ҳужжатлари бажарилмоқда ҳамда қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича Республика комиссияси мажлисининг 2020 йил 9 ноябрдаги 59-сон баёни 2-ило-васига асосан 2021 йилда ижтимоий объектларда иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқариш учун қуёш тизимларини ўрнатиш, шунингдек, жамоат биноларида энергия самарадорлигини ошириш бўйича "Мақсадли дастур" қабул қилинган.

Дастурга асосан вилотимиздаги 342 та объектда, жумладан, ҳоқимият биноларида, вилоят ички ишлар бошқармаси ва шаҳар, туманлар бўлимлари, вилоят прокуратура идоралари, молия бошқармаси ва бўлимлари, халқ таълими, мактабгача таълим бошқармалари қарашли объектлар бинолари, шаҳар ва туманлар тиббиёт бirlашмалари биноларини қайта тикланувчи энергия манбалари билан жиҳозлаш режалаштирилган. Бу тадбирлар 2021 йилнинг 4-чорагида бажарилиши белгиланган.

Дастурга киритилган 342 объектда умумий қуввати 9,098 минг кВт бўлган қуёш панеллари ўрнатилиши кўзда тутилган. Бунинг учун 290,8 миллион сўм республика бюджетидан ва 1146,3 миллион сўм маҳаллий бюджетдан молиялаштирилиши белгиланган.

Акрим БОБОЕВ, "Ўзэнергоинспекция" Самарқанд ҳудудий бўлими бош мутахассиси.

Амалдаги энергетика ресурслари тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган яшаш учун мўлжалланган жойларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар эгаллигидаги мол-мулкка қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишдан ойдан эътиборан уч йил муддатга жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи солинмайди.

Амалдаги энергетика ресурслари тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган яшаш учун мўлжалланган жойларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланилган ойдан эътиборан уч йил муддатга ер солигидан озод этилади.

Шунингдек, 2019 йил 22 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорга биноан кейинги йилларда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, вилотимизнинг Нуробод ва Паст Дарғом туман-

лари дашт зонаси ҳудудидида қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотозелтр станцияси, Нуробод тумани Саҳоба ота массиви Тутли аҳоли яшаш пункти ҳудудидида Франциянинг "Total Eren SA" компанияси билан давлат шерикчилик асосида қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотозелтр станцияси қурилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда лойиҳа-смета ҳужжатлари бажарилмоқда ҳамда қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича Республика комиссияси мажлисининг 2020 йил 9 ноябрдаги 59-сон баёни 2-ило-васига асосан 2021 йилда ижтимоий объектларда иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқариш учун қуёш тизимларини ўрнатиш, шунингдек, жамоат биноларида энергия самарадорлигини ошириш бўйича "Мақсадли дастур" қабул қилинган.

Дастурга асосан вилотимиздаги 342 та объектда, жумладан, ҳоқимият биноларида, вилоят ички ишлар бошқармаси ва шаҳар, туманлар бўлимлари, вилоят прокуратура идоралари, молия бошқармаси ва бўлимлари, халқ таълими, мактабгача таълим бошқармалари қарашли объектлар бинолари, шаҳар ва туманлар тиббиёт бirlашмалари биноларини қайта тикланувчи энергия манбалари билан жиҳозлаш режалаштирилган. Бу тадбирлар 2021 йилнинг 4-чорагида бажарилиши белгиланган.

Дастурга киритилган 342 объектда умумий қуввати 9,098 минг кВт бўлган қуёш панеллари ўрнатилиши кўзда тутилган. Бунинг учун 290,8 миллион сўм республика бюджетидан ва 1146,3 миллион сўм маҳаллий бюджетдан молиялаштирилиши белгиланган.

Акрим БОБОЕВ, "Ўзэнергоинспекция" Самарқанд ҳудудий бўлими бош мутахассиси.

Амалдаги энергетика ресурслари тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган яшаш учун мўлжалланган жойларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар эгаллигидаги мол-мулкка қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишдан ойдан эътиборан уч йил муддатга жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи солинмайди.

Амалдаги энергетика ресурслари тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган яшаш учун мўлжалланган жойларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланилган ойдан эътиборан уч йил муддатга ер солигидан озод этилади.

Шунингдек, 2019 йил 22 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорга биноан кейинги йилларда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, вилотимизнинг Нуробод ва Паст Дарғом туман-

лари дашт зонаси ҳудудидида қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотозелтр станцияси, Нуробод тумани Саҳоба ота массиви Тутли аҳоли яшаш пункти ҳудудидида Франциянинг "Total Eren SA" компанияси билан давлат шерикчилик асосида қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотозелтр станцияси қурилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда лойиҳа-смета ҳужжатлари бажарилмоқда ҳамда қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича Республика комиссияси мажлисининг 2020 йил 9 ноябрдаги 59-сон баёни 2-ило-васига асосан 2021 йилда ижтимоий объектларда иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқариш учун қуёш тизимларини ўрнатиш, шунингдек, жамоат биноларида энергия самарадорлигини ошириш бўйича "Мақсадли дастур" қабул қилинган.

Дастурга асосан вилотимиздаги 342 та объектда, жумладан, ҳоқимият биноларида, вилоят ички ишлар бошқармаси ва шаҳар, туманлар бўлимлари, вилоят прокуратура идоралари, молия бошқармаси ва бўлимлари, халқ таълими, мактабгача таълим бошқармалари қарашли объектлар бинолари, шаҳар ва туманлар тиббиёт бirlашмалари биноларини қайта тикланувчи энергия манбалари билан жиҳозлаш режалаштирилган. Бу тадбирлар 2021 йилнинг 4-чорагида бажарилиши белгиланган.

Дастурга киритилган 342 объектда умумий қуввати 9,098 минг кВт бўлган қуёш панеллари ўрнатилиши кўзда тутилган. Бунинг учун 290,8 миллион сўм республика бюджетидан ва 1146,3 миллион сўм маҳаллий бюджетдан молиялаштирилиши белгиланган.

«Тежамкорлик»



Акрим БОБОЕВ, "Ўзэнергоинспекция" Самарқанд ҳудудий бўлими бош мутахассиси.

ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИ!

Ҳаёт давомида фавқуллода вазиятлар жуда кўп бўлади. Касбимизнинг мураккаблиги шунда бўлса керак. Ўша вазиятларнинг барчаси ҳақида оғохлантириш, олдини олиш зиммамиздаги асосий вазифалардан биридир.



Афсуски, оғохлантиришларга қарамай, баъзи ҳолатлар мавсумий тарзда юз бераверади. Мисол учун, қишда консерв-вадан заҳарланиш ҳолатлари учраса,

баҳор ойларида бу ҳолат кўзиқорин ва бошқа маҳсулотлар орқали содир бўлиши мумкин. Ёзда аҳолининг белгиланмаган жойларда чўмилиши, куз ойларида ёғин-гарчилик туфайли турли вазиятлар юзага келади.

Инсон ҳаётини, саломатлигини бебаҳо бойлик йўқ. Шу маънода табиий фавқуллода ҳолатларнинг олдини олишда ҳар бир фуқаронинг ҳаётига хавф туғдирувчи ҳолатлар ҳақида билиши, буни ёшлиқдан ўрганиши муҳим.

Қолаверса, бугун кичик бир хонада ҳам компьютер, телевизор, телефондан фойдаланиш ҳам инсон саломатлиги учун зарар. Бир компьютер 6 метр квадрат майдонда жойлаштирилиши

керак. Телефонларни доимий равишда, ҳатто ухлаётганимизда ҳам ёнимизда олиб юришимизнинг салбий таъсирлари кўп.

Вилоятларда бўлгани сингари Самарқандда ҳам оқова сувлар ёки ҳожатхона учун қудуқ қазилди. Афсуски, давмо хонадон эгалари чуқурга симоб ёки инсон организмни учун жуда хатарли бўлган моддаларни ташлаб, уни чўктиришга ҳаракат қилади. Чуқур тозалаш ва бошқа мақсадларда химосиз тушиши оқибатида бир нечта инсонларнинг вафотиға сабаб бўлган ҳолатлар қанча?

Бугун фавқуллода вазиятлар бошқармаси вакиллари бу каби ҳолатларнинг олдини олиш, аҳолини ундан химоя қилиш мақсадида қатор ишларни олиб бормоқда. Оила даврасида ҳам бу ҳақда сўхбатлар олиб борилса, турли кўнгилсизликларнинг олди олинган бўларди.

Алишер БОЗОРБОЕВ, Бахтиёр МИРЗАҚОБИЛОВ, вилоят фавқуллода вазиятлар бошқармаси ходимлари.

Самарқанд вилоятида автотранспорт соҳасида куйидаги шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ички йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун 2021 йил 4 май куни соат 10:00 да

ОЧИҚ ТЕНДЕР ТАНЛОВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

ШАҲАР АВТОБУС Йўналишлари:

- ША "2" – "Бахтли ҳаёт маҳалласи – СамДАҚИ";
- ША "8" – "Обод маскан МФЙ (Қорасув массиви) – Бадал қишлоғи";
- ША "14" – "Нефть омбори – Сиеб АББ";
